

“Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “SAMANDAR SHIJOATI” МЧЖ ўртасида ички йўлларни жорий таъмирлаш ишлари бўйича тузилган

## ШАРТНОМА № П-2022-261

Андижон шаҳри.

09 ноябрь 2022 йил.

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган “Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор Т.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган “SAMANDAR SHIJOATI” МЧЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари Б.Сайфутдинов иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Булокбоши тумани Саноат МФЙ даянги ташкил этиладиган қурулиш материаллари кластерлари йўлларни таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 1 212 835 393 (бир миллиард икки юз ўн икки миллион саккиз юз ўттиз беш минг уч юз тўхсон уч сўм) ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% пул маблағлари аванс тарикасида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “**Буюртмачи**”нинг махсус ҳисоб рақамига туширилганидан сўнг, “**Пудратчи**” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида мазкур шартномага илова қилинган тўлов жадвалига асосан ўтказиб беради.

2.4. “**Пудратчи**” томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 30 декабрь кунига қадар “**Буюртмачи**”га топширилиши шарт ҳисобланади. Кўрсатилган муддатда “**Пудратчи**” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “**Буюртмачи**” томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта кўриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва иловада кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойларда ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлик расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “**Пудратчи**” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “**Буюртмачи**” олдида тўлик мулккий жавоб беради. “**Пудратчи**” “**Буюртмачи**” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “**Буюртмачи**” “**Пудратчи**” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “**Пудратчи**” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлик ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “**Пудратчи**” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **“Пудратчи”** дафтар (журнал)да **“Буюртмачи”** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланишига **“Пудратчи”** тўлиқ жавобгар бўлади.

**“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:**

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинadиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб килинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.9. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Буюртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.10. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.11. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

**“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

3.12. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.13. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.4-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.5-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

**“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.14. **“Пудратчи”**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.15. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.16. **“Пудратчи”**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.17. **“Пудратчи”** томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.19. Агар **“Пудратчи”** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **“Буюртмачи”**га топширмаган тақдирда, **“Буюртмачи”** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **“Пудратчи”** объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун **“Буюртмачи”**га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5%и микдорда пеня тўлайди. Туланadиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **“Пудратчи”** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, **“Буюртмачи”** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и микдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % микдорда пеня тўлайди. Туланadиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % микдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Туланadиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

### V. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда куриб чиқилади.

5.2 “Пудратчи” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йуқлиги, “пудратчи” да зарур маблағларнинг булмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

### VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

### VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2.Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 58 кунни ташкил этади.

7.3.Ишларини бажариш бўйича маблағ “Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси” томонидан “Буюртмачи”нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта куриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

### VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумлада амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини қафолатлайди.

### IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

#### “БУЮРТМАЧИ”

Андижон минтақавий йўлларга буюртмачи  
хизмати давлат унитар корхонаси  
Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй.  
Тел/факс: 227-66-36 226-88-90  
ш/х:304521860034017045129118159  
СТИР:304917491  
ОКОНХ: 42110  
Уз. Р.Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи: МБББ ХККМ  
МФО: 00014  
Ғазначилик булинмаси СТИР: 201122919

Директор

Т.Мирзаев

Бош юрисконсулт ввб:

#### “ПУДРАТЧИ”

“SAMANDAR SHIJOAT” МЧЖ

Ҳонобод шаҳар Анхор МФЙ

Қишлоқ қурулиш банк Бош бошқармаси

х/р; 20208000904767996001

МФО; 01037

ИНН; 301 084 149

Директор:

Б.Сайфутдинов

Ш.Садиров



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-139-сон қарорининг 3-илоҳидага асосан Андижон вилояти ҳудудидagi Будоқбойи тумани «Саноат» МФИда янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари кластерларни ташки муҳабиллик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари бўйича 2022 йил учун МАМЎЛЛИН РЎХНАТИ**

№	Объектлар номи ва мавқоми	Қуришни бошлаганини на ташкил этилиши йили	Вилоятдаги кластерга қўшилган бўлиши йили	Будоқбойи туманидаги кластерга қўшилган бўлиши йили	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирланган объектнинг қиймати, млн. сўм	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирланган объектнинг қиймати, млн. сўм	01.01.22 йил ҳолатига таъмирланган объектнинг қиймати, млн. сўм	2022 йил жами қиймати, млн. сўм	Шу жумладан					Асосий фондларнинг таъмирланган		2022 йил 1 январь ҳолатига умумий қиймати бўйича бошланғич инвестиция	2022 йил 1 январь ҳолатига умумий объект бўйича қиймати	Қишлоқ саноатлари бадиловаси тизими остида қилинган таъмир	Бошқа жараёнлашган объектлар рақами	Йўқолиб қурилган объектлар рақами
									Қуришни ташкил этиш умумий қиймати (млн. сўм)	Бунёдга чиққан сарфмат-лари	Бунёдга чиққан объектнинг умумий қиймати (млн. сўм)	Давомидаги объектнинг қиймати (млн. сўм)	Экспертиза харажатлари	Қурилган (млн)	Қайтарилган (млн)					
	Андижон вилояти бўйича жами:		2,0	1 273,3	1 273,3	1 273,3	1 273,3	1 212,8	60,5	42,0	18,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0				
	Тақсимланмаган тивит						26,7													
1	Будоқбойи тумани «Саноат» МФИда янги ташкил этиладиган қурилиш материаллари кластерлари йулларини таъмирлаш	2022й	2,0	1 273,3	1 273,3	1 273,3	1 273,3	1 212,840	60,500	42,000	18,500						№168773 01.11.2022й	№168773 01.11.2022й		"SAMANDAR SHJOATI" MCHJ

“Қиритилди”  
“Андижон минтақавий йулларда бунёдгачи хизмати” ДУК директори  
Т. Мирзиён  
2022 йил

“Келишилди”  
Андижон вилояти Автомобиль йуллари бош бошқармаси бошлиғи  
Т. Қараев  
2022 й

“Келишилди”  
Андижон вилояти Молин бош бошқармаси бошлиғи  
С. Раҳмонов  
2022 йил

“Келишилди”  
Андижон вилояти Инвестиция тармоқлари ва қамбағалликни қисқартирish бош бошқармаси раҳибсари  
Л.Ю.Ғиёев  
2022 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН

Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи  
хизмати ДУК директори

  
Т.Мирзаев

09 ноябрь 2022 йил

Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК томонидан Булокбоши тумани  
Саноат МФЙда янги ташкил этиладиган қурулиш материаллари кластерлари йўлларини таъмирлаш  
ишлари учун 01.11.2022 йил кунги лот № 168773 билан энг яхши таклифларни танлаб олиш  
бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 89

Қатнашдилар:

Ф.Қаюмов	- Бош муҳандис
Ш.Қурбонов	- Бошлик ўринбосари
А.Қурбонов	- Молия бўлим бошлик
Д.Мадрахимов	- ИЧБ бўлим бошлик
О.Алиев	- Гендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлим бошлик
А.Исраилов	- Лойиха таъминоти бўлим бошлик

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. "GREEN CITY CAPITAL" мчж
2. "SAMANDAR SHIJOATI" мчж

Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш кунни  
мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч  
қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи  
"SAMANDAR SHIJOATI" мчж билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш  
натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда  
Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин. Ушбу қарорни  
бажарилишини назорат қилиш Комиссия котиби У.Ғанижонов зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

 Ф.Қаюмов

 А.Қурбонов

 Д.Мадрахимов

 А.Исраилов

Йиғилиш котиби:

 У.Ғанижонов